

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

252 Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236*

(2011 йил 20 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 480-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 189-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в.б.

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 17 май,
01/19-18/02-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкни бошқариш давлат
қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги
01/19-18/02-сонли қарорига
ИЛОВА

Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 480-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сонли «Риэлторлик фаолиятини ли-

цензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 189-модда) қарорига мувофиқ риэлторнинг малака имтиҳонини ўтказиш, малака сертификатини бериш, унинг муддатини узайтириш, амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Риэлторнинг малака сертификати (кейинги ўринларда малака сертификати деб юритилади) жисмоний шахсга, агарда у яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса ёки риэлторлик ташкилотининг шта-тида турса, риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси бўлганда риэлторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Малака сертификати 5 йиллик муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатларга узайтирилиши мумкин.

2. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир жисмоний шахс малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади) томонидан, риэлторларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини инобатга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланадиган малака ошириш дастурлари бўйича 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

3. Малака сертификати Давлат мулки қўмитаси томонидан мазкур низомга мувофиқ малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс (кейинги ўринларда талабгор деб юритилади) малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда берилади.

II. Малака имтиҳонини ўтказиш ва топшириш

4. Малака сертификатини олишга талабгор қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;

Давлат мулки қўмитаси томонидан, риэлторларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини инобатга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланадиган дастур бўйича риэлторлар тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунга қадар ўтган вақт бир йилдан ошмаслиги керак.

5. Малака сертификатини олиш учун талабгор Давлат мулки қўмитасига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ малака имтиҳонини топшириш учун рухсат бериш тўғрисидаги аризани унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома;
паспорт нусхаси;

ўрта махсус ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломининг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш тўғрисидаги гувоҳномасининг нотариал тасдиқлаган нусхаси;

3 x 4 ҳажмдаги уч дона фотосурат;

махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг (талабгорнинг ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунга қадар ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлса) риэлторларни тайёрлаш маркази томонидан ёки нотариал тасдиқланган нусхаси.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Ҳужжатлар талабгор томонидан Давлат мулки қўмитасига шахсан ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали тақдим этилиши мумкин.

7. Давлат мулки қўмитаси ариза тушган кундан бошлаб 5 кунлик муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

8. Қўйидаги асосларга қўра талабгор малака имтиҳонига киритилмайди: мазкур Низомнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда; мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда ёки лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этганда; ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда.

Мазкур ҳолатда Давлат мулки қўмитаси талабгорни имтиҳонга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва талабгорга ёзма равишда асосланган жавобини юборади.

9. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда малака имтиҳонига қўйилган шахслар рўйхати имтиҳон комиссиясига берилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, ҳужжатлар тушган кундан бошлаб икки ойда камида бир марта ўтказилади.

10. Имтиҳон комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар тўғрисидаги ахборот Давлат мулки қўмитасининг расмий сайтига имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 5 кун олдин жойлаштирилади.

12. Малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақидаги ахборот Давлат мулки қўмитасининг расмий сайтига у ўтказиладиган кундан камида 30 кун олдин жойлаштирилади.

13. Малака имтиҳонига қўйилмаган талабгор малака имтиҳонига қўйилмасликка сабаб бўлувчи камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза беришга ҳақли.

14. Талабгор паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати тақдим қилган ҳолда малака имтиҳонига қўйилади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлмаган, ёхуд малака имтихо-

нига кечиккан талабгорлар имтиҳонга келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

15. Агарда талабгор Давлат мулки қўмитасига ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки марта малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади.

Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур бўлимда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали ўтказилади.

17. Тест саволлари ва жавоблар вариантлари Давлат мулки қўмитаси томонидан риэлторларнинг жамоат бирлашмалари ва ўқув марказларининг таклифларини инобатга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган риэлторларни ўқитиш дастури асосида ишлаб чиқилади.

18. Тест синови ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 75 та саволдан иборат бўлади.

Талабгорни малака имтиҳонини топширган деб топиш учун тўғри жавоблар миқдори берилган тест саволлар миқдорининг камида 80 фоизини ташкил этиши лозим.

19. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, маълумотнома ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

уяли телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

тест синови кабинетидан ташқарига чиқиш. Тест синови кабинетидан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синови кабинетидан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

20. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида ажратилган вақт ичида барча саволларга тўлиқ жавоб беришга улгурмаган талабгорлар малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонидан такроран ўтиш учун белгиланган тартибда ҳужжатларни малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан кейин тақдим этишга ҳақли.

21. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан малака имтиҳони ўтказилган санадан кейин уч кунлик муддатда расмийлаштирилади.

22. Тест жавоблари, шунингдек имтиҳон комиссиясининг баённомалари белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитасида сақланади.

III. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш

23. Малака имтиҳони натижалари Давлат мулки қўмитасининг буйруғи билан тасдиқланади.

24. Малака сертификати риэлторнинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкда ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амал қилади.

25. Малака сертификатининг бланклари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Малака сертификатининг бланкалари Давлат мулки қўмитаси буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

26. Малака сертификати Давлат мулки қўмитаси томонидан имтиҳон комиссияси баённомалари олингандан кейин 10 кунлик муддатда расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёки бошқа шахсга нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома асосида риэлторлар реестрига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

27. Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштириш кунидан бошлаб уч ой ичида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий бош тортса Давлат мулки қўмитаси мазкур сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

IV. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

28. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорлар малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь кuni ичида имтиҳон натижалари тўғрисидаги имтиҳон комиссиясининг баённомаси устидан Давлат мулки қўмитасига апелляция шикояти беришга ҳақли. Апелляция шикояти ёзма равишда тақдим этилади.

Давлат мулки қўмитаси бир ҳафта муддатда берилган апелляция шикоятини кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига ёзма хабар юборади.

29. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляция шикоятини берган шахс учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида.

30. Имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция ушбу Низом талабларини бузган ҳолда тақдим қилинган бўлса; апелляция шикоятида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаган бўлса.

31. Такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция шикояти берган шахсга нисбатан малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳоллари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

32. Давлат мулки қўмитаси томонидан апелляция шикоятини берган талабгор учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор қабул

қилинган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран малака имтиҳони ўтказилади.

33. Талабгорнинг такроран киритган апелляция шикоятни кўриб чиқилмайди.

34. Давлат мулки қўмитасининг талабгорнинг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликати бериш

35. Малака сертификати эгаси мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига уч ой қолганда Давлат мулки қўмитасига малака сертификати муддатини узайтириш тўғрисида аризаси билан унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

малака сертификатининг асл нусхаси;

малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

36. Малака сертификати муддатининг узайтирилиши мазкур Низомнинг 35-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати мазкур сертификатнинг бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайдан бошлаб узайтирилади.

Малака имтиҳонидан ўтмаган малака сертификатининг эгаси қайта малака имтиҳонидан ўтишга ҳақли.

37. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур сертификатнинг бланкида махсус белги (ёзувни) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли реквизитлар тўлдирилган тақдирда, малака сертификати эгасига аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари берилган риэлторнинг малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

38. Малака сертификати эгасининг паспортида кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган ёки паспорти алмаштирилган тақдирда, у 10 кунлик муддатда Давлат мулки қўмитасига малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

39. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши унинг эгаси томонидан ариза берилган пайдан бошлаб 5 кун мобайнида амалга ошири-

лади, бунда аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификатининг янги бланки берилади, илгари берилган малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

40. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига малака сертификати эгасининг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Малака сертификатининг эгаси малака сертификатининг йўқолганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши ва эълон нусхасини Давлат мулки қўмитасига тақдим этиши керак.

41. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланкнинг юқори бурчагида «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

VI. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш

42. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

малака сертификатига эга бўлган шахснинг аризаси;

риэлтор томонидан риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган маълумотлар буюртмачининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;

риэлторлик фаолиятини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги;

малака сертификатини риэлторлик фаолиятида фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;

муайян мансабни эгаллаш ёки хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

43. Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Малака сертификатининг амал қилиши ушбу Низомнинг 42-банди учинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида Давлат мулки қўмитасига малака сертификати олиш учун ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

44. Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади: риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Малака сертификати ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган асос бўйича бекор қилинган шахс малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида Давлат мулки қўмитасига малака сертификати олиш учун ариза билан муурожаат қилишга ҳақли эмас.

45. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

46. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.

47. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори 5 кунлик муддатда малака сертификатининг эгасига ва у штатида турган риэлторлик ташкилотига юборилади.

48. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор риэлтор томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун ичида сертификат Давлат мулки қўмитасига белгиланган тартибда йўқ қилиниши учун қайтарилиши лозим.

VII. Малака сертификатига эга риэлторларнинг реестрини юритиш

49. Давлат мулки қўмитаси томонидан малака сертификатига эга бўлган риэлторларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва яшаш манзили;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тугатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

VIII. Яқуний қоида

50. Мазкур Низомда белгиланган қоидалар бўйича келиб чиқувчи барча низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Риэлторнинг малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитасига

Кимдан _____

**Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида
А Р И З А**

Менга риэлтор малака сертификатини олиш учун / амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20__ й. «____» _____

Шахсий имзо _____

* Керакли сўзларнинг тагига чизинг.

Риэлторнинг малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

1. Фамилияси: _____

Исми: _____

Отасининг исми: _____

2. Туғилган санаси: _____

(йили, куни, ойи рақамлар билан ёзилади)

3. Паспорт: серияси _____ рақами _____

Берилган санаси _____

Ким томондан берилган _____

4. Маълумоти: _____

(ўқув юрти номи)

Факультет _____

Тамомлаган йили _____ диплом рақами _____

Диплом бўйича мутахассислиги _____

Илмий даражаси, илмий унвони _____

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар*:

Т/р	Ишга кириш даври	Ишдан кетиш вақти	Иш жойи	Лавозими
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
...				

6. Яшаш манзили: _____

7. Боғланиш телефони: _____ факс: _____

(коди, рақами)

(коди, рақами)

8. Сўровномани тўлдириш санаси 20__ йил «__» _____

Шахсий имзо _____


* Иш стажи мавжуд бўлса тўлдирилади.

Риэлторнинг малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

O'zbekiston Respublikasi
G E R B I

O'zbekiston Respublikasi davlat mulkini boshqarish
Davlat Qo'mitasi

_____ -sonli
RIELTORNING MALAKA
SERTIFIKATI



Toshkent sh. _____
(berilgan vaqti)

O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish Davlat qo'mitasi
tomonidan _____
(kinga — rieltorning F.I.O.)

(rieltorning malaka sertifikatini berilgan sana va amal qilish muddati)

Pasport ma'lumotlari: _____

Vakolatli shaxs _____
(F.I.O.)

Muhr o'rni _____
(imzo)

Rieltor malaka sertifikatining muddati «___» _____ 20___ y. dan
«___» _____ 20___ y.gacha uzaytirildi.

Imzo _____

Muhr o'rni